

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА  
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ РАҚОБАТ ҚЎМИТАСИ  
ҲУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИНИ  
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИНИНГ  
ҚАРОРИ

**617** **Ҳисобга олиш регистрларидаги электрон ёзувларнинг  
бут сақланишини таъминлаш тартиби тўғрисидаги  
низомни тасдиқлаш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил  
11 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2739*

Ўзбекистон Республикаси «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Давлат рақобат қўмитаси

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й.*

хузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази қарор қилади:

1. Ҳисобга олиш регистрларидаги электрон ёзувларнинг бут сақланишини таъминлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

**Ахборот технологиялари ва  
коммуникацияларини  
ривожлантириш вазири**

**Х. МИРЗАХИДОВ**

Тошкент ш.,  
2015 йил 12 ноябрь,  
139-мх-сон

**Давлат рақобат қўмитаси хузуридаги  
Қимматли қоғозлар бозорини  
мувофиқлаштириш ва ривожлантириш  
маркази бош директори**

**Б. АТАХАНОВ**

Тошкент ш.,  
2015 йил 12 ноябрь,  
2015-20-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Ахборот технологиялари ва коммуникацияла-  
рини ривожлантириш вазирлиги, Давлат  
рақобат қўмитаси хузуридаги Қимматли  
қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва  
ривожлантириш марказининг 2015 йил  
12 ноябрдаги 139-мх, 2015-20-сонли қарорига  
ИЛОВА

**Ҳисобга олиш регистрларидаги электрон ёзувларнинг  
бут сақланишини таъминлаш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги, «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги ва «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва инвестиция воситачисининг ҳисобга олиш регистрларидаги электрон ёзувларнинг бут сақланишини таъминлаш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоида**

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**масъул ходим** — электрон ёзувларни киритиш, кўриб чиқиш ва ўзгартириш, шунингдек ҳисобга олиш регистрлари, маълумотлар узатиш локал тармоғини маъмурий бошқариш, ахборотни муҳофаза қилиш ва антивирус таъминоти учун ваколатли ҳамда масъул бўлган Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ёки инвестиция воситачисининг ходими;

**электрон ёзув** — Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва инвестиция воситачисининг ҳисобга олиш регистрларидаги электрон шаклдаги ёзув;

**ҳисобга олиш регистрлари** — инвестиция воситачисиди ва Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсиди қимматли қоғозларни сақлаш ҳамда қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш бўйича депозитар операциялар стандартлари билан белгиланган ёзувлар тизими;

**дастурий-техник мажмуа** — ҳисобга олиш регистрларидаги электрон ёзувларнинг бут сақланишини таъминлаш бўйича Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва инвестиция воситачиси томонидан уларга юклатилган вазифаларни бажариш учун фойдаланиладиган техник ва дастурий воситалар тўплами;

**дастурий-техник мажмуа фойдаланувчилари** (бундан буён матнда фойдаланувчилар деб юритилади) — ҳисобга олиш регистрларидан фойдаланиш ва улардаги ахборотни узатиш ҳуқуқларидан фойдаланувчи масъул ходимлар ва бошқа шахслар;

**таъсирчан ахборот** — ошкор этилиши, модификацияланиши, йўқ қилиниши ёки яширилиши оқибатида қимматли қоғозлар бозорининг иштирокчиларига зарар етказилиши мумкинлиги туфайли муҳофаза қилиниши лозим бўлган ахборот;

**қимматли қоғозлар бозорида инсайдер ахборотидан фойдаланиш** — қимматли қоғозларни олиш ёки реализация қилиш учун ошкор қилинмаган (тарқатилмаган) ва ошкор қилиниши (тарқатилиши) қимматли қоғозлар қийматининг ўзгаришига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин бўлганлиги туфайли қимматли қоғозлар бозорининг бир иштирокчисига бошқасига нисбатан устунлик бериши мумкин бўлган ахборотдан фойдаланиш.

**2-боб. Электрон ёзувларнинг бут сақланишини таъминлашга доир ташкилий чора-тадбирлар**

2. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва инвестиция воситачисининг раҳбари (бундан буён матнда раҳбар деб юритилади) масъул ходимларни тайинлайди ва электрон ёзувларнинг бут сақланиши, махфийлиги, яхлитлиги ва ишончлилигини таъминлаш бўйича бошқа ташкилий чораларни кўради.

3. Раҳбар ҳар бир масъул ходим билан ахборот билан ишлаш талабла-

ри ва қоидаларига риоя қилиш учун ҳамда махфий, таъсирчан ва ошкор қилиниши (тарқатилиши) қимматли қоғозлар бозорида инсайдер ахборотидан фойдаланишга олиб келиши мумкин бўлган бошқа ахборотнинг ошкор қилинганлиги учун жавобгарлик тўғрисида ёзма келишув — мажбурият тузади.

4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва инвестиция воситачилари асосий қоидалар, мақсад ва вазифалар, химоя объектлари, ахборот хавфсизлигига таҳдидлар, ахборот хавфсизлиги бузилгандаги хатти-ҳаракатлар тартиби, мажбуриятлар тақсимоли, ахборот хавфсизлиги соҳасидаги сиёсатни қайта кўриб чиқиш ва актуаллаштириш тартибини назарда тутувчи тасдиқланган ахборот хавфсизлиги сиёсатига эга бўлиши керак.

5. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва инвестиция воситачилари масъул ходимларнинг хатти-ҳаракатларини тартибга солувчи, махфий, таъсирчан ва ошкор этилиши (тарқатилиши) қимматли қоғозлар бозорида инсайдер ахборотидан фойдаланишга олиб келиши мумкин бўлган бошқа турдаги ахборотни муҳофаза қилиш ва ошкор қилмасликка, шунингдек ахборот хавфсизлигига таҳдид солувчи қўйилмаган ҳолатлар юзага келганда дастурий-техник мажмуа тизимининг (бундан буён матнда тизим деб юритилади) ишлашини тезкор тиклашга ва бундай вазиятлар оқибатларини бартараф этишга қаратилган тасдиқланган чора-тадбирлар режалари, йўриқномаларга эга бўлишлари лозим.

6. Раҳбар ҳисобга олиш регистрларидан рухсатсиз фойдаланиш ва уларнинг таркибидаги ахборотни бундай ахборотдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсларга узатилишининг олдини олишни қўйидаги чораларни кўриш йўли билан таъминлаши шарт:

фойдаланувчилар доирасини аниқлаш;

ҳар бир фойдаланувчи учун турли фойдаланиш даражаларини ва рухсат этилган функцияларни қабул қилиш;

фойдаланувчиларнинг фойдаланиш паролларини алмаштириш даврийлиги ва тартибини белгилаш.

7. Раҳбар:

Ўзбекистон Республикаси давлат стандартларига мувофиқ ахборот хавфсизлиги бошқарилишини;

ҳисобга олиш регистрларининг иши бузилишига олиб келадиган уларни қайта ишлаш ва сақлашнинг техник воситаларига таъсир кўрсатилишига йўл қўйилмаслигини;

зарур техник воситалар, аппарат ресурслари ва захиралаш тизимларининг мавжудлигини;

масъул ходимларни ахборот хавфсизлиги соҳасидаги сиёсат, ахборот хавфсизлигига таҳдид солувчи ҳолатлар юз берганда масъул ходимларнинг хатти-ҳаракатларини тартибга солувчи йўриқномалар талабларига даврий ўқитилишини;

ҳисобга олиш регистрларининг муҳофазаланганлик даражасини таъминлашнинг доимий назоратини;

операцион кун давомида дастурий-техник мажмуанинг узлуксиз ишла-  
шини;

тизимдан рухсатсиз фойдаланган шахсларни тегишли жавобгарликка  
тортиш чоралари кўрилишини таъминлаши шарт.

### **3-боб. Электрон ёзувларнинг бут сақланишини таъминлашнинг техник чоралари**

8. Электрон ёзувлар дастурий-техник мажмуадан фойдаланган ҳолда  
ҳисобга олиш регистрларида юритилади.

9. Дастурий-техник мажмуа қуйидагиларни таъминлаши керак:

ҳисобга олиш регистрларидан фойдаланганда фойдаланувчиларни шах-  
сий электрон рақамли имзо ва (ёки) логин ва пароль орқали идентификация-  
лаш, аутентификациялаш, авторизациялаш ва рўйхатга олиш;

фойдаланувчиларга ҳисобга олиш регистрларидан фойдаланиш имкония-  
тини уларнинг фойдаланиш даражасига ва ҳисобга олиш регистрларида опе-  
рацияларни ўтказиш бўйича функцияларига мувофиқ бериш;

ҳисобга олиш регистрларидан фойдаланишни фақат муайян автоматлаш-  
тирилган иш жойларидан ташкил қилиш имконияти;

хар бир ходисанинг вақтини қайд қилган ҳолда тизимга кириш ва (ёки)  
тизимдан чиқиш, ҳисобга олиш регистрларида операцияларни ўтказиш фак-  
ти бўйича фойдаланувчиларни автоматлаштирилган рўйхатга олиш, шунинг-  
дек тизимдан рухсатсиз фойдаланишга уринишларни қайд қилиш журнали-  
ни юритиш;

ҳисобга олиш регистрларидан рухсатсиз фойдаланишга уринишлар ва  
рухсатсиз фойдаланиш фактларини ўз вақтида аниқлаш;

тизимдан рухсатсиз фойдаланишга уриниш ҳолатларида тизимни блок-  
лаш;

тизим маъмури томонидан ёки унинг талабига кўра ўрнатиладиган  
муайян даврийлик билан паролни ўзгартириш учун сўровни фойдаланувчи-  
ларга автоматлаштирилган тарзда юбориш;

ҳисобга олиш регистрларининг захираланган нусхаларини шифрланган  
кўринишда сақлаш;

ҳисобга олиш регистрларидан рухсатсиз фойдаланиш оқибатида ёки  
дастурий-техник мажмуа ишидаги бузилиш оқибатида модификацияланган  
ёки йўқ қилинган ҳисобга олиш регистрларини тезкорлик билан тиклаш  
имконияти.

10. Дастурий-техник мажмуанинг сервер ускуналари жойлаштирилган  
хоналар уларга киришни назорат қилиш тизими билан жиҳозланган бўли-  
ши керак.

11. Электрон ёзувларнинг бут сақланишини таъминлаш мақсадида Қим-  
матли қоғозлар марказий депозитарийсида ҳисобга олиш регистрларини  
захиралашнинг қуйидаги уч даражали схемасидан фойдаланилади:

биринчи даража — захиралаш асосий серверда ҳисобга олиш регистр-

ларининг аксини реал вақт режимида яратган ҳолда амалга оширилади. Захиралашнинг ушбу даражаси тизим иши бузилганда уни автоматик ва тезкорлик билан тиклаш учун хизмат қилади;

иккинчи даража — захиралаш алоҳида хонада жойлашган, асосий сервернинг тўлиқ нусхаси бўлган репликация серверида реал вақт режимида амалга оширилади;

учинчи даража — захиралаш асосий сервердан камида уч километр масофада жойлашган алоҳида серверда амалга оширилади, бунда ҳисобга олиш регистрларининг архив нусхаси операция куннинг якунида бир суткада бир мартаба автоматик тарзда яратилади.

Захиралашнинг ҳар бир кейинги даражаси аввалги захиралаш даражасининг самарасизлигида тизим ишини тиклаш учун хизмат қилади.

12. Захиралашнинг ҳар бир даражасида ушбу даражанинг захиралаш схемаси талабларига жавоб берувчи бир нечта захира сервери яратилиши мумкин.

13. Тизимнинг ишдан чиқишга чидамлилиги ва ишончлилигини ошириш мақсадида захиралашнинг қўшимча даражаларидан фойдаланишга йўл қўйилади.

14. Ҳисобга олиш регистрларини захиралаш бўйича ишларнинг ҳолатини ўрганиш мақсадида раҳбарнинг қарорига кўра масъул ходимлардан иборат тегишли комиссия тузилади.

Комиссиянинг шахсий таркиби, аъзоларининг ҳуқуқ, мажбуриятлари ва жавобгарлиги, ўрганиш ўтказиш тартиби раҳбар қарори билан белгиланади.

15. Комиссия ҳар чоракда, шу жумладан захиралаш масофада жойлашган алоҳида серверда амалга оширилганда, жойига борган ҳолда, захиралаш бўйича ишларнинг ҳолатини ўрганади ва ўрганиш натижаларига кўра баённома тузади.

Баённома ўрганиш тугаганидан сўнг икки иш куни давомида тузилади ва комиссиянинг барча аъзолари томонидан имзоланади.

Баённомада:

комиссия таркиби, унинг аъзоларининг тўлиқ Ф.И.О.;

баённома тузилган сана ва жой;

ўрганиш учун асос бўлган ҳужжат номи, санаси ва рақами;

захиралашнинг турли даражаларида сақланадиган захираланган ахборот ҳажми;

ўрганиш натижалари;

аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тавсиялар акс эттирилиши лозим.

16. Асосий серверни жойлаштириш ва исталган даражадаги захиралаш фақат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширилади.

17. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсининг ишчи станциялари ва сервер ускунаси талаб этилган қувват ва захира электр таъминотига ўтиш вақтини ҳисобга олган ҳолда зарур бўлган автоном ишлаш вақтига эга

бўлган маҳаллий узлуксиз таъминот манбалари билан жиҳозланган бўлиши керак.

Инвестиция воситачисининг сервер ускунаси ва ишчи станциялари талаб этилган қувват ва 30 дақиқадан кам бўлмаган автоном ишлаш вақтига эга бўлган маҳаллий узлуксиз таъминот манбалари билан жиҳозланган бўлиши керак.

18. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси сервер ускунасининг узлуксиз таъминот манбаи иккинчи айнан шундай узлуксиз таъминот манбаи кўринишидаги тезкор захирага эга бўлиши керак.

19. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси дастурий-техник мажмуасининг электр таъминотини захиралаш кичик электр станциядан келувчи асосий электр таъминот кириши ва автоном захира генераторидан келувчи захира электр таъминот киришининг мавжудлиги билан амалга оширилади.

Захира генератори бошқа манбалардан электр таъминоти йўқолганда ўттиз минут вақт ичида электр таъминоти узатилишини таъминлаши ва генераторнинг камида бир сутка давомида ишлаши учун етарли бўлган ёнилғи захираси билан таъминланган бўлиши керак.

#### **4-боб. Яқуний қоидалар**

20. Раҳбарлар ва масъул ходимлар электрон ёзувларнинг бут сақланиши, махфийлиги, бутунлиги ва ишончлилиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

21. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.